*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2016 йил 16 февраль • сешанба № 7 (1003)

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz | www.insonvaqonun.uz | www.insonvaqonun.adliya.uz




**МИШЕЛЬ ЭЙКЕМ ДЕ МОНТЕНЬ**

Яхши ишлайдиган мия маълумотлар тўлган миядан қимматлироқ.

* * *

Нима ҳақида бўлишидан қатъи назар кўпчилик фикрига асосланиб эмас, ақлга таяниб ҳукм чиқариш керак.

* * *

Инсон ўз мартабасига ҳалол йўл билан эришмаганлиги унинг мақсади ҳам пок бўлмаганлигидан далолат беради.

* * *

Кимки эзгулик илмини эгалламаган бўлса, бошқа ҳар қандай илм унга фақатгина зарар келтиради.

* * *

Биз инсон ҳақида унинг табиатан истеъдодли эканлигини айтишдан кўра, яхшироқ мақтов ўйлаб топишга қодир эмасмиз.

**Муносабат**

## Озодлик сабоқлари

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ Ислом КАРИМОВнинг “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир” китобини ўқиб...**

Президентимизнинг бу китобида Ўзбекистон тақдири — унинг истиқлол остонасигача бўлган армонли тарихи, мустақилликнинг ободлик саҳифалари, Оллоҳ назари тушган улуғ юртнинг нурафшон эртаси акс этган. Бу китоб бизга улуғ аждодларимиз мероси муқаддаслигини, тақдир чиғириқларидан ўтган оталар матонати ўлмаслигини, ўткан кунлардан сабоқ олиб, буюк келажакнинг устувор вазифаларини амалга оширишимиз зарурлигини эслатиб туради.

Ҳа, Ўзбекистон эндигина навқирон чорак аср остонасига етди. Аммо бу Турон юртнинг тарихи неча минг-минг йилларга сабоқ беради, илдизлари эса неча-неча асрлардан сув ичади, қувват олади. Дунёни лол қолдирган Самарқанду Бухоролари, бутун дунё нигоҳига тушган муаззам кент — Тошкент жамоли кимни мафтун этмайди дейсиз. Сўлим Фарғона водийси, саҳросида олтин гуллаётган она тупроғим! Ҳар биримизнинг қалбимизни ҳар қадамда, ҳар бир гўшасида фахру ифтихорга тўлдирган шу азиз ВАТАНга тинчлик қанот бўлганига, тинчлик тумор бўлганига шукр!

Юртбошимизнинг янги **“Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир”** китобини ўқиб, дилларда туғён, кўнгилларда армон, тилларда ҳаяжон... Сабаби унда бутун Ўзбекистон бўйу басти билан намоён. Ўтмиши армонли, бугуни шарафли, эртаси нурафшон юртимизга дунё ҳавас қилаётгани рост!.

2



**Адлия органларида**

## Коррупцияга қарши экспертиза самараси

**АДЛИЯ вазирлиги томонидан ҳудудий адлия органлари ҳамкорлигида марказ ва минтақаларда “Давлат органларида юридик хизмат фаолиятини янада такомиллаштириш ва ривожлантиришнинг долзарб масалалари — мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари” мавзуида туркум анжуманлар ташкил этилмоқда.**

Анжуманларда қайд этилганидек, мамлакатимизда давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида қонунийликни таъминлаш, юридик хизматнинг бошқарувдаги ролини янада ошириш ва уни ривожлантириш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Иштирокчиларга соҳа фаолиятини тартибга солишга оид қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳияти, уларнинг ижросини таъминлаш юзасидан қилинган ишлар хусусида атрофлича маълумот берилмоқда.

Хабарингиз бор, давлат бошқаруви органлари ҳудудий бўлинмалари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида юридик хизмат аҳволи Олий Мажлис Сенати мажлисида ҳамда ҳукуматимиз томонидан ўтказилган йиғилишда муҳокама қилинган эди. Қабул қилинган қарорга мувофиқ ҳамкорликда бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, ҳар бир давлат органи юридик хизматининг функционал вазифалари янгидан ишлаб чиқилиб, адлия органлари билан келишилди; — юридик хизматга қулай шарт-шароит яратиш мақсадида минимал талаблар ишлаб чиқилиб, ижрога юборилди; —малака оширмасдан келаётган юридик хизмат ходимларини ўқитиш бўйича тақсимот режа ишлаб чиқилиб, унинг ижроси юзасидан қарийб 700 нафар ходимнинг ўқитилиши таъминланди; 515 нафар юридик хизмат ходими аттестациядан ўтказилди.

Энг асосийси, юридик хизматнинг ҳуқуқий мақомини белгилаб берувчи қонун ҳужжатлари замон талаблари асосида қайта кўриб чиқилди. Жумладан, давлат органлари юридик хизматлари фаолиятини, шунингдек, уларнинг ходимларини аттестациядан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш мақсадида 2015 йил 4 июнда Вазирлар Маҳкамасининг **“Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари юридик хизматлари фаолиятининг янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”**ги қарори қабул қилинди. Ушбу ҳужжат билан ҳукуматнинг 2007 йил 24 августдаги **“Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги қарорига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 22 ноябрдаги қарори билан тасдиқланган Юридик хизматлар ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларнинг малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди.

Таъкидлаш лозим, ҳозирги кунга қадар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизимида коррупция, бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилиши учун шароит яратадиган, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари учун асоссиз харажатлар қилишга олиб келувчи ортиқча маъмурий ҳамда бошқа чекловларни жорий этадиган қоидалар ва нормалар бор-йўқлигини аниқлаш бўйича аниқ бир норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмас эди. Эндиликда мазкур бўшлиқ тўлдирилди. Адлия вазирлигининг 2015 йил 25 декабрдаги буйруғи билан “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш услубиёти” тасдиқланди.

Мазкур услубиёт маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари лойиҳаларининг, шунингдек, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказишнинг тартибини белгилаб беради.

**Адлия вазирлиги**
**Ахборот хизмати**

**Таҳлил**

## “Электрон ҳукумат” тизими

### фаолликни таъминлайди

**АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ технологиялари (АКТ) соҳаси жамият ҳаётининг барча жабҳаларига кириб бормоқда. Ахборотга асосланган ҳамда маданий ва маънавий қадриятлар билан мувофиқликда бўлган билимлар мустақил кучга айланиб, ижтимоий-иқтисодий, технологик ва маданий ўзгаришларнинг ҳал қилувчи омили бўлиб қолди.**

Халқаро стандартларга мос келадиган ахборотлаштиришнинг миллий тизимини шакллантириш, иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида замонавий ахборот технологияларини, компьютер техникаси ва телекоммуникация воситаларини оммавий равишда жорий этиш ҳамда улардан фойдаланиш, фуқароларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини янада тўлиқроқ қондириш, жаҳон ахборот ҳамжамиятига кириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш, давлат бошқаруви органлари фаолиятида очиқликни таъминлаш, мамлакатимизда тараққиётнинг миллий хусусиятларини инобатга олган ҳолда босқичма-босқич “Электрон ҳукумат” тизимига ўтиш муҳим ва энг долзарб вазифалардан биридир. АКТни ривожлантиришнинг мантиқий давоми — ахборотлашган жамиятни барпо этишга йўналтирилган “Электрон ҳукумат” тизимини жорий қилинишидир. Бу ўринда 2015 йил 9 декабрдаги **“Электрон ҳукумат тўғрисида”**ги Қонун амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди.

Мазкур Қонун 5 боб ва 34 моддадан иборат. Қонунда электрон ҳукумат — давлат органларининг жисмоний ва юридик шахсларга ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш йўли билан давлат хизматлари кўрсатишга доир фаолиятини, шунингдек, идоралараро электрон ҳамкорлик қилишни таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар ва техник воситалар тизими эканлиги белгилаб қўйилган.

Шунингдек, Қонунда сўров, ариза берувчи, идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш, электрон ҳукуматнинг ягона идентификаторлари, электрон давлат хизматининг регламенти, электрон давлат хизмати каби асосий тушунчаларга таърифлар ва 4-моддасида электрон ҳукуматнинг асосий вазифалари ўз аксини топган. 5-12-моддаларда электрон ҳукуматнинг асосий принциплари — давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлиги; электрон давлат хизматларидан ариза берувчиларнинг тенг равишда фойдаланиши;

“Ягона дарча” орқали электрон давлат хизматлари кўрсатиш;

давлат органларининг ҳужжатларини бирхиллаштириш;

электрон ҳукуматнинг ягона идентификаторларидан фойдаланиш;

электрон давлат хизматлари кўрсатиш тартибини мунтазам такомиллаштириб бориш;

ахборот хавфсизлигини таъминлаш эканлиги кўрсатилган.

3

**Адлия аралашгач...**

## Тақдимномадан сўнг тўланди

**НАВОИЙ ВИЛОЯТ адлия бошқармаси томонидан вилоятдаги қишлоқ хўжалик корхоналари билан тайёрловчи, хизмат кўрсатувчи корхоналар ўртасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш бўйича контрактация шартномаларининг тузилиши ва бажарилишига доимий эътибор қаратилиб, бу соҳада аниқланган қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган шахсларга нисбатан таъсир чоралари қўлланилиши таъминланмоқда.**

Жумладан, 2015 йил мобайнида бошқарма томонидан мавжуд фермер хўжаликлари манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича киритилган 35 та тақдимномаларга асосан жами 993 та фермер хўжалигига 6 миллиард 25 миллион сўмдан ортиқ пул маблағлари тўлаб берилиши таъминланди.

Хусусан, Хатирчи туманидаги “Бойжон бобо ўғли Бердинор” фермер хўжалиги раиси Б.Бобоевнинг “Хатирчи пахта тозалаш” АЖ томонидан шартнома шартлари бажарилмаётганлигидан норози бўлиб ёзган аризаси ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш давомида мавжуд қарздорликни зудлик билан тўлаб бериш чораларини кўриш тўғрисида “Хатирчи пахта тозалаш” АЖга нисбатан киритилган тақдимномага асосан фермер хўжалигига 7.141.200 сўм пул маблағи тўлаб берилиши таъминланди.

Бундан ташқари, ҳисобот даври мобайнида фермер хўжаликлари манфаатларини кўзлаб жавобгарлардан 1 миллиард 569 миллион сўм қарздорликни ундириш тўғрисида 291 та даъво аризаси киритилди. Бугунги кунга қадар ушбу даъво аризаларининг барчаси қаноатлантирилиб, судларнинг ҳал қилув қарорларига асосан фермер хўжаликлари фойдасига 1 миллиард 294 миллион сўм қарздорлик ҳамда пеня ундирилиши белгиланди.

Мисол учун, Навбаҳор туманидаги “Хушнуджон Зафар орзуси” фермер хўжалигига “Ричард силк” хусусий корхонаси томонидан топширилган пилла хомашёси учун пул маблағлари тўлаб берилмаганлиги ҳолати бўйича фермер хўжалиги фойдасига 3.099.231 сўм асосий қарз ва 1.549.865 сўм пеня ундириш юзасидан киритилган даъво аризаси хўжалик суди томонидан кўриб чиқилиб, суднинг 2015 йил 27 августдаги ҳал қилув қарорига асосан 3.099.731 сўм асосий қарз ва 774.932 сўм пеня ундирилди.

Бугунги кунда тадбиркорлик субъектларига кенг йўл очиб берилаётган бир вақтда, айрим корхоналар масъул шахслари томонидан шартнома шартларига риоя этмаслик ҳолатларига йўл қўйилаётганлиги, бу билан жамиятимизнинг иқтисодий ривожланишига тўсиқ бўлаётганлиги ачинарли ҳол, албатта. Хулоса ўрнида айтиш жоизки, шартнома интизоми қатъий, унга амал қилмаслик қонунбузилиш ҳолатларини келтириб чиқаради, қонунбузилишга нисбатан эса, албатта, чора муқаррар эканлигини унутмаслигимиз лозим.

**Бекзод ЖУМАЕВ,**
**Навоий вилоят адлия бошқармаси масъул ходими**



*“INSON va QONUN”*
*ҳуқуқий газетасига обуна бўлинг!*
Обуна индекси — 137. website: minjust.uz
e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz Тел/факс: 268-19-97



*“HUQUQ va BURCH”*
*ижтимоий ҳуқуқий журналига обуна бўлинг!*
Обуна индекси — 902. website: huquqburch.uz
e-mail: info@huquqburch.uz Тел/факс: 256-84-24



*“Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”*
*хафталик расмий нашрига обуна бўлинг!*
Обуна индекси — 949. website: adolatnashr.uz
e-mail: adolatnashr@minjust.gov.uz Тел/факс: 268-28-45



*“Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами”*
*расмий нашрига обуна бўлинг!*
Обуна индекси — 916. website: adolatnashr.uz
e-mail: adolatnashr@minjust.gov.uz Тел/факс: 268-28-45



*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг **www.adliya.uz** расмий веб-сайти орқали Сиз фаолиятга оид батафсил маълумотлар билан танишишингиз мумкин.*

# Озодлик сабоқлари

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Китоб саҳифаларида чексиз фахр билан тилга олинган юртимиз шаъни, шуҳратига оид мисоллар қалбни тўлқинлантиради. Масалан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўмагида АҚШнинг Колумбия университети социологлари томонидан ўтказилган ижтимоий сўров ва тадқиқотлар натижасида эълон қилинган "Бутунжаҳон бахт индекси"нинг янги рейтингида Ўзбекистон 158 мамлакат орасида 44-поғонада, МДҲга аъзо мамлакатлар орасида эса биринчи ўринда қайд этилиши, Буюк Британиянинг нуфузли "Экономист" журнали қайд этганидек, Ватанимиз пойтахти — азим Тошкент шаҳри ободлиги ва яшаш учун қулайлиги жиҳатидан дунё рейтингида 140 та шаҳар орасида 58-ўринни эгаллагани, АҚШнинг "The Huffington Post" нашри томонидан Самарқанд шаҳри "Дунёнинг албатта бориб кўриш керак бўлган 50 шаҳри" рўйхатига киритилганлиги ва бундай эътирофга эришишда МДҲ мамлакатлари ўртасида фақат Ўзбекистон сазовор бўлганлигидан нафақат самарқандликлар, балки бутун Ўзбекистон қалбида ғурур.

Бу кунларга етишнинг, бу эътиборларга тушишнинг ўзи бўлмаган, албатта. Китобни ўқиб, узоқ эмас, мустабид тузум давридаги яқин ўтмишда жонимиздан ўтган оғир кунлар беихтиёр ёдга тушди. Мен китоб қатларида ўзимни кўрдим, ўзимни топдим. Қуйидаги сатрларда балки сиз ҳам ўзингизни кўргандирсиз? **"Халқимиз ўша пайтда чидаб бўлмайдиган шундай азоб ва уқубатларга гирифтор этилган эдики, буни сўз билан ифодалашнинг ўзи қийин. Далада ишлаб юрган одамларнинг устидан самолётдан заҳарли дорилар сепилгани, қанча-қанча болалар сариқ касаллиги ва бошқа дардларга йўлиққани..."**ни асло унутиб бўлмайди. Чунки ўша самолёт заҳар пуркаган **далаларда мен ҳам бор эдим.** Бошимиз устидан қўл етгулик масофада пастлаб ўтган самолётлар сепган заҳарли ёмғирлар юзимизга, уст-бошимизга ёпишса ҳам биз ўқувчилар далада қолишга мажбур эканимиз минг бор алам қилган... Ўпкаси, жигари заҳардан хасталанган баъзи тенгдошларимизнинг ҳаётдан эрта кўз юмганини, пахтага қул бўлган ўсмир ёшлигимизни эслаб кўп хўрлигим келди. Ғовлаб кетган ғўза шохларига бўйи етмаса ҳам далада дилдираб пахта терган биринчи синф ўқувчилари кўз олдимдан ўтди. Болалигимизнинг бундай аччиқ тарихи билан мустақил Ўзбекистоннинг бугунги бахтиёр болалари бахту иқболини асло тенглаштириб бўлмайди, албатта. Бугун биророрта мактаб ўқувчиси пахтанинг оғир меҳнатига жалб қилинмаслиги қатъий назорат остида. Аммо бугунги мунаввар кунларнинг қадрига етиш учун, албатта, ўтган кунларга назар, ҳеч бўлмаса, қулоқ солиш кераклиги ҳам рост.

Китоб саҳифаларида ҳалол меҳнат қилиб юзи ёруғ бўлса ҳам унга "пахта иши", "ўзбеклар иши", деган туҳмат ва бўҳтонлар билан қора чизиқ тортилгани ҳақидаги фикрларни изтиробсиз ўқиш мумкин эмас. Чунки шовуллаган мевали боғларга болта уриб, ҳувиллаган пахтазорларга айлантирилганлигини, ҳатто ҳовлилардаги томорқа ерларига ҳам пахта экилганини ўз кўзимиз билан кўрганмиз. Бугун битта дарахтни ҳам беҳуда кесишга қонунларимиз йўл қўймайди. Ўшанда боболаримиз эккан минглаб дарахтларни кўз ўнгимизда бульдозер билан босиб, синдириб, топтаб кетганларида ҳам нафасимизни ичимизга ютишга мажбур бўлганмиз...

Энг ачинарлиси, **"Оқ олтин"ни олтин қўллар яратади"**, деган сохта шиор ўзбек пахтакорларининг қадоқ қўлларига охир-оқибат кишан солганини ҳали кўпчилик унутолгани йўқ... Ундан ҳам ёмони, ана шу оқ пахтанинг қора меҳнатини қиладиган авлодни кўпайтириш мақсадида "Қаҳрамон она"ларимиз сони йилдан-йилга ошди. Ўн, ўн икки, ҳатто ўн беш нафаргача фарзанд кўриб, ўзи тузукли ёруғ кун кўрмаган "Қаҳрамон она"ларимизнинг унвонлари, сандиқларда занглаб ётган бу медаллари ҳеч қандай имтиёзга ва ҳеч қандай имкониятга эга бўлмаган катта бир алдов эди холос... Ўнта фарзанд кўриб, уни тарбиялагани учун пенсияга ҳатто бир сўм ҳам қўшилмаганининг ўзиданоқ даврнинг устаси фаранг "доно" сиёсатчиларининг найрангини тушуниш қийин эмас эди. Аммо...

Ўнлаб оналаримиз Ватанимизнинг энг юксак мукофоти "Ўзбекистон Қаҳрамони", деган шарафли унвонга сазовор бўлмоқдалар. Аёлларнинг қадр-қиммати ҳар қачонгидан баланд. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида хотин-қизлар учун квоталанган депутатлик ўринларининг жорий этилгани ҳам аёлга эҳтиромнинг бир кўриниши.

Бу китобда юракни қийнайдиган яна бир оғриқли дард бор. Саксонинчи йилларнинг иккинчи ярмида собиқ Иттифоқ таркибида бўлган республикамизнинг ҳар қандай обрў-эътиборли, илм-маърифатли кишиларига шубҳа билан қараш, уларга турли бўлар-бўлмас айбларни тўнкаш оддий ҳодисага айланган эди. Маънавиятли кадрларга зарба бериш эса бутун миллатга зарба беришнинг бир кўриниши эди. Бундай мақсад миллатнинг асл фарзандларига "ошкоралик" ниқоби остида зарба беришдан иборат эди. Бу ошкоралик ёлғон каби қоронғи эди. У йилларда кўриб-кўрмасликка, эшитиб-эшитмасликка олиш карахтлигидан кўра маҳаллий кадрларга "ёрдамга" келган "улуғ оға"ларнинг ўз мафкурасини маъкуллатиш, аниқроғи, ўтказиш сиёсати устунрок эди. Кутилмаган зарбаларга нишон бўлган замондошларимиз орасида навоийлик маърифатли кишилар, фан докторлари, олимлар, маданият арбоблари ҳам оз эмасди. Уларнинг аксарияти коммунистик партия сафидан ўчирилиб, ишдан олингач, меҳнатлари — жиноят деб таснифлангач, туҳмату бўҳтонларга бардош беролмай ўтганларни ҳам яхши биламиз. Эл-юртга таниқли, ҳурматли, эътиборли маҳаллий ўзбек кадрларининг юзига қора чизиқ тортиб, "Знамя дружбы" Навоий вилоят газетасига мақола ёзиш топширилган Пазовскийнинг қаламни ёлғонга, бўҳтонга ботириб, ВИЖДОНни сотиб, Ўзбекистонда еган нону тузини унутиб, ёзилган саҳифа-саҳифа мақолаларини юрагимизни чангаллаб, ўзимиз ўзбек тилимизга таржима қилишга мажбур бўлганмиз. Вилоятнинг "Дўстлик байроғи" газетасида ёритганмиз. Бу вилоят партия қўмитасида ялпайиб ўтирган ленинградлик қўмита раҳбарларининг **"особое, важное задание"**си эди...

Ўша йиллари раҳбарларнинг нафақат оёғига, балки қалбига ҳам қопқон қўйилган эди. Раҳбарлар отаси ёки волидаи муҳтарамаси оламдан ўтиб қолса, улар билан видолашишдан бенасиб эди. Ана шундай шафқатсиз тақиқлар туфайли ўша замонда Томди туман райком партиясининг биринчи секретари Елемесов энг яқин кишисини қабрига боролмаган, сўнгги йўлга кузатолмаганига навоийликлар гувоҳ. Гўёки, қабристонга бориш эскилик сарқити эмиш. Энг азиз кишиларини сўнгги йўлга кузатишга бориш, партия сафидан ўчирилишга тенглаштирилганлиги катта бедодлик эди. Чунки ўша йилларда партия сафидан ўчирилиб, партия билетини топшириш ҳам катта бир фожиа эди. Тўғри, ўтганларни энди қайтариб бўлмайди. Дил яраси битмайди. Аммо тарихдан сабоқ олиб, мунаввар манзилларни кўзлаб яшаш ҳам бир саодатдир. Чунки Ўзбекистонимиз тинчлигини жасорати, матонати, юртга фидойилиги, элга садоқати билан асраб турган давлатимиз раҳбарининг ҳар бир каломидан хулоса шуки, шу улуғ юртнинг тинчлиги, шу азиз ва меҳрибон элнинг хотиржамлиги, бахти йўлида хизмат қилиш ҳар биримиз учун энг олий саодат бўлиб қолсин! Йиллар ўтаверади, биз ёруғ кунларга етаверамиз. Чунки...



***Тошлар бирлашганда,***
***тоққа айланар,***
***Дарахтлар жамланиб,***
***боққа айланар.***
***Халқ тоғдек бирлашиб,***
***боғлар яратса...***
***Бу Юртда гадо ҳам***
***шоҳга айланар!***

**Маруса ҲОСИЛОВА,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Моҳият

# Очиқлик ва ошкоралик

## қонунларнинг пишиқ-пухта ишланишига ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади

**МАМЛАКАТИМИЗДА изчиллик билан амалга ошириб келинаётган демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш жараёнида парламентнинг муҳим аҳамият касб этишини инобатга олган ҳолда таъкидлаш ўринлики, сўнгги йилларда Конституциямизга киритилган тузатишлар ва улар асосида қабул қилинган қонунлар давлат ҳокимияти органлари тизимида парламентнинг роли ва аҳамиятини сезиларли даражада кучайтирди, давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда мамлакатимиз олий қонунчилик органининг имкониятларини кенгайтирди, энг муҳими, қабул қилинган қонунларнинг бажа эилиши ва таъсирчанлигининг янада ошишига имкон яратди.**

2015 йилнинг 30 декабрида матбуотда эълон қилинган **"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги Қонунда белгиланган нормалар ҳам мазкур соҳадаги ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган бўлиб, буларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, улар парламент фаолиятининг қонунчилик, назорат ҳамда вакиллик функцияларига бевосита тааллуқлилиги билан аҳамиятлидир.

Жумладан, мазкур Қонун билан Олий Мажлис палаталарининг фаолиятини самарали ташкиллаштириш, сиёсий партиялар фракциялари ролини янада кучайтириш, қонун ижодкорлиги жараёни самарадорлигини ошириш, Бош вазир лавозимига номзод томонидан тақдим этиладиган Вазирлар Маҳкамасининг ҳаракат дастурини кўриб чиқиш, Вазирлар Маҳкамасининг йиллик маърузалари ҳамда Бош вазир ҳисоботларини эшитиш, Олий Мажлис палаталарининг назорат қилиш вазифалари тартиботларини аниқлаштириш, парламент сўрови ҳамда депутат ва сенатор сўровларини фарқлаш, депутатларнинг сайловчилар билан ишлаш тартибини такомиллаштириш соҳасидаги муносабатлар тартибга солинган.

Қонун билан сиёсий партиялар фракциялари ролини янада кучайтиришга оид муносабатлар ҳам тартибга солинган бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг фикрлар, ғоялар хилма-хиллиги асосида ривожланишига оид конституциявий қоиданинг парламентдаги акс-садоси янада эркин ифодаланишига хизмат қилади. Хусусан, Спикернинг ўринбосарларини муддатидан илгари лавозимидан озод қилиш тўғрисидаги масалани Қонунчилик палатаси Спикери томонидан киритиш ҳуқуқи уларнинг номзодлари кўрсатилган фракциялар ёки депутатлар гуруҳларига берилиши, қонун ижодкорлиги жараёнининг ҳар бир босқичида қонун лойиҳасини кўриб чиқиш чоғида сиёсий партиялар фракцияларининг фикрларини ҳисобга олиш мажбурияти, шунингдек, Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисобот, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсманнинг) фаолияти тўғрисидаги ҳисобот, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ҳисоботи фракциялар (депутатлар гуруҳлари)да дастлабки тарзда муҳокама қилиш асосида кўриб чиқилиши, сиёсий партиялар фракциялари қонунлар ижроси юзасидан муайян масалаларни ўрганиш, давлат дастурларини, партиянинг дастурий мақсадларини амалга ошириш мақсадида заруриятга қараб, якунлари бўйича палата кун тартибига масала киритиш мумкинлигини назарда тутган ҳолда ўз депутатларининг сайлов округларида сайловчилар билан ишларини ташкиллаштириш тартиби белгиланди. Сиёсий партиялар фракциялари фаолияти билан боғлиқ яна бир муҳим масала, яъни парламентдаги мухолифат сиёсий партия фракцияси қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилгунига қадар ўша масалага доир қонун лойиҳасининг, шунингдек, Қонунчилик палатаси қарори лойиҳасининг муқобил таҳририни киритиш тартиби аниқлаштирилди.

Қонунчилик палатасига киритилаётган қонун лойиҳаси концепциясига қўйилган талаблар (лойиҳанинг мақсади, ҳуқуқий тартибга солишнинг жорий ҳолатига баҳо, кутилиши мумкин бўлган натижа ва ҳоказо) мустаҳкамланди, Олий Мажлис палаталари қўмиталари ҳузурида давлат органлари, илмий ва таълим муассасалари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг тегишли соҳаларда қонун лойиҳаларини тайёрлаш, илмий ва (ёки) амалий тажрибага эга бўлган малакали мутахассислардан иборат эксперт гуруҳлари тузилиши, шу билан бирга Социал ва ижтимоий аҳамиятга молик масалаларга дахлдор қонун лойиҳалари муҳокамаларига фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари таклиф этилиши шартлиги белгиланди. Биринчи ўқишда қабул қилинган қонун лойиҳасининг матни, қоида тариқасида, Қонунчилик палатасининг расмий веб-сайтида жойлаштирилиши, зарур бўлган ҳолларда эса Қонунчилик палатасининг қарорига кўра, оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши ҳам қонун ижодкорлиги жараёнининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаши билан бир қаторда унинг кенг жамоатчилик фикрини инобатга олган ҳолда пишиқ-пухта ишланишига ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Қонунда илк маротаба парламентнинг ўзига хос муҳим функцияларидан бири — Олий Мажлис палаталарининг назорат вазифалари тартиботларини аниқлаштирилгани, парламент сўрови ҳамда депутат ва сенатор сўровлари фарқлаб кўрсатилганлиги муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, парламент сўрови давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига қонунларнинг, турли соҳалардаги давлат дастурларининг ижроси масалалари ҳамда уларнинг ваколатларига кирадиган бошқа муҳим масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён этиш талаби билан юборилади. Парламент сўровини юбориш ҳақидаги таклиф Қонунчилик палатасида қўмиталар, фракциялар (депутатлар гуруҳлари), шунингдек, Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида бешдан бир қисми томонидан Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун киритилиши белгиланган бўлса, Сенатда қўмиталар ёки Сенат аъзолари умумий сонининг камида бешдан бир қисми томонидан Сенат кўриб чиқиши учун киритилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари парламент сўровига оғзаки жавобни Қонунчилик палатасининг мажлисида палата белгилаган муддатда беради, ёзма жавобни, агар бошқа муддат белгиланган бўлмаса, сўров олинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай юбориши лозим. Парламент сўровига ёзма жавоб Қонунчилик палатасининг мажлисида раислик қилувчи томонидан ўқиб эшиттирилади. Парламент сўровига жавоб Қонунчилик палатасининг мажлисида муҳокама қилиниши мумкин. Қуйи палата парламент сўрови муҳокамаси якунлари бўйича қарор қабул қилади.

Қонунчилик палатаси депутати сўрови давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига, қоида тариқасида, тегишли сайлов округи сайловчиларининг ёки Ўзбекистон экологик ҳаракатининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён этиш талаби билан амалга оширилади.

Сенатор сўрови юқори палатанинг ҳудудий вакиллик органи эканлигидан келиб чиққан ҳолда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига, қоида тариқасида, тегишли ҳудудларнинг манфаатлари билан боғлиқ масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён этиш талаби билан юборишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Олий хўжалик суди раиси, Бош прокурори, суриштирув ва терговс органлари раҳбарлари номига йўлланган парламент сўрови ҳамда депутат ва сенатор сўровлари уларнинг иш юритувидаги муайян ишлар ва материалларга тааллуқли бўлиши мумкин эмас.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, мазкур Қонун Президентимизнинг 2015 йил 23 январдаги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида парламент фаолиятини замонавий талабларни инобатга олган ҳолда тубдан яхшилаш, қонун ижодкорлиги ва қонунчилик фаолияти сифатини ошириш мақсадида белгилаб берилган устувор вазифаларни самарали амалга оширишнинг ҳуқуқий механизми бўлиб хизмат қилади.

**Мухтабар ХУСАНОВА,**
**Олий Мажлис**
**Қонунчилик палатаси депутати**

Қулайлик




# "Ягона дарча" марказлари

## иш бошлади

**МАЪЛУМКИ, Президентимизнинг 2015 йил 15 майда "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди.**

Мазкур Фармонда давлат хизматларидан фойдаланишда бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, аризачиларнинг хизмат кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилувчи мансабдор шахслар билан бевосита алоқасини истисно қилиш мақсадида 2016 йил 1 январь кунига қадар турли идоралар қошида фаолият юритиб келган, алоҳида давлат хизматлари кўрсатаётган "Ягона дарча" хизматларининг ўрнига туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциялари негизида "Ягона дарча" тамойили асосида тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш Ягона марказлари ташкил этилиши назарда тутилди.

Ушбу Фармоннинг ижросини таъминлаш ва тадбиркорлик тузилмаларига замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда давлат хизматларини кўрсатиш сифати ҳамда улардан фойдаланиш имкониятларини тубдан ошириш ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида 2015 йил 28 сентябрда давлатимиз раҳбарининг **"Тадбиркорлик субъектларига "Ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Қарори қабул қилинди.

Мазкур Фармон ва Қарор ижросини таъминлаш мақсадида ўтган давр мобайнида вилоятимизда "Ягона дарча" марказлари фаолиятини ташкил этиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Жумладан, марказлар фаолият юритиши учун барча туман ва шаҳар ҳокимликлари томонидан бинолар ажратилиб, фойдаланишга топширилди.

Вилоятдаги туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги "Ягона дарча" марказларига жами 103 та штат бирлиги ажратилган бўлиб, мазкур лавозимларга номзодлар тавсия этиш учун 183 нафар номзод суҳбатдан ўтказилиб, штат бирликлари ходимлар билан тўлдирилди.

Шунингдек, марказларнинг моддий-техник баъзасини мустаҳкамлаш мақсадида маҳаллий бюджетдан 338,7 миллион сўм ажратилди.

Хулоса қилиб айтганда, "Ягона дарча" марказларининг ташкил этилиши тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш сифатининг янада ошишига, шунингдек, очиқлик ва шаффофликни таъминлашга хизмат қилади.

**Улуғбек ИСМАТИЛЛАЕВ,**
**Наманган вилоят адлия бошқармаси масъул ходими**

**ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!**

**Тошкент юридик коллежининг Амалиёт ишлари бўйича директор ўринбосари бўш лавозимига такроран ва Хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари бўш лавозимига ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

*Танловда илмий даража (илмий унвон)ли ёки педагогик (касбий-таълим) ёки таълим муассасасининг йўналиши бўйича магистр, дипломли мутахассислар иштирок этиши мумкин.*
*Номзодларнинг аризалари Адлия вазирлигига тақдим этилади.*

**Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:**
1. Сўровнома (кадрларни ҳисобга олиш варақаси) ва таржимаи ҳол;
2. Маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг нусхаси;
3. Илмий даража ва илмий унвонлар ҳақидаги ҳужжатнинг нусхалари (мавжуд бўлса);
4. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса);
5. 4х6 ўлчамдаги 4 дона фотосурат;
6. Директор ўринбосари лавозимига номзоднинг бўлажак фаолияти бўйича ихтиёрий шаклда ёзилган режаси (концепцияси).

**Ҳужжатлар танлов матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.**
**Танлов комиссияси ҳужжатларни ўрганиб, номзодларни танловда қатнашишга тавсия этади.**
**Манзилимиз: 100047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй, Адлия вазирлиги биноси. Тел: 233-50-17.**

# “Электрон ҳукумат” тизими

## фаолликни таъминлайди

(Давоми.
Боши биринчи бетда)



“Электрон давлат хизматлари кўрсатиш”, деб номланган 3-бобда эса электрон давлат хизматларининг турлари, уларнинг ягона реестри, электрон давлат хизматларига қўйиладиган талаблар, сўров ва уларга бериладиган жавобга доир талаблар, ариза берувчининг электрон давлат хизматларини олиш чоғидаги ҳуқуқлари, электрон давлат хизматлари кўрсатиш сифатини баҳолашни амалга ошириш тартиблари белгилаб берилган.

Республикамизда 320 дан ортиқ давлат ахборот-ресурслари ва 465 дан зиёд давлат ахборот тизими фаолияти йўлга қўйилгани ҳамда Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали аҳолига 260 турдан ортиқ давлат хизматлари электрон шаклда кўрсатилаётгани бугунги кунда муҳим аҳамият касб этади. Улардан 420 мингдан зиёд аҳоли ва тадбиркорлар масофадан туриб фойдаланаётгани, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини муҳокама этишда аҳоли ҳамда тадбиркорларнинг кенг иштирокини таъминлаш мақсадида махсус портал фаолият юритиб, унда фойдаланувчилар томонидан 73 та давлат органининг 237 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси бўйича 350 дан ортиқ таклиф ва мулоҳазалар билдирилган. Тадбиркорларга кенг қулайликлар яратиш мақсадида давлат органларига тақдим этиладиган ҳисоботларни электрон шаклга ўтказиш натижасида солиқ ҳамда статистика ҳисоботлари тўлиқ электрон тарзда топширилаётгани, божхона юк декларацияларини расмийлаштириш ҳам электрон шаклга ўтказилгани, ўтган йил давомида тадбиркорларнинг 174 мингдан зиёд ташқи иқтисодий шартномалари рўйхатдан ўтказилганлигини — бугунги кунда давлат органлари томонидан ўз фаолиятига ахборот тизими ҳамда ресурсларини жорий қилиш бўйича жадал иш олиб борилаётганининг ёрқин ифодаси десак муболаға бўлмайди.

Шу йилнинг 1 январидан бошлаб мамлакатимизнинг барча ҳудудларида тадбиркорлик субъектларига “Ягона дарча” тамойили асосида давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари фаолият бошлади. Шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиши бўйича мутлақо янги механизм жорий этилди. Унга кўра, ушбу тармоқлар ишини юритадиган ташкилотларнинг ҳудудий корхоналарига техник шартларни олишдан тортиб муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланишгача бўлган барча жараёнларни амалга ошириб, уларни тадбиркорларга тайёр ҳолда топшириш ваколатлари берилди.

Мухтасар қилиб айтганда, **“Электрон ҳукумат тўғрисида”**ги Қонуннинг амалиётга татбиқ қилиниши, мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш орқали чет эл инвесторларини жалб этиш, халқ фаровонлигини, юрт равнақини янада оширишга, мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашга хизмат қилади ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

**Мустафо ЖАМАТОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ахборот технологиялари кафедраси катта ўқитувчиси**

---

[✓ Эгри йўлнинг тўқмоғи]

# Боши берк кўчага

## бош урганлар...

**ТАҚДИР қизиқ. У баъзан ҳаёт йўллари асло бир-бирига туташмаган инсонларни-да бирлаштиради, учраштиради. Мақоламиз қаҳрамонлари хоразмлик Ёрқинбек Раҳимов ҳамда тошкентлик Нозимжон Дадамуҳаммедовларни ўз нафслари — тез ва осонгина мўмай даромад орттириш илинжи бирлаштирди.**

Олий маълумотга эга бўлишига қарамай, улар ўз оиласини ҳалоллик билан эмас, балки ноқонуний, қинғир йўллар билан боқишга уринишди. Бу қилмишлари учун, албатта, қонун олдида жавоб беришига тўғри келди. Биринчи жинояти учун 2002 йилда, иккинчи марта содир этилган жиноятлари учун 2012 йилда тегишли жазони ўташди. Аммо бундан тўғри хулоса чиқармаган шериклар қорадори савдоси билан шуғуллана бошлашди.

Кунларнинг бирида Дадамуҳаммедовнинг ёнига Раҳимов келиб, яхшигина даромад келтирадиган “режа”сини таклиф қилади. Бу қуйидагича эди: Ёрқинбек оғуга ўрганиб қолган бир таниши 3,5 килограмм тилласини опийга алмашмоқчилигини айтади. Нозимжон қулай имкониятдан фойдаланиб, 25 грамм опийни шеригига пуллайди.

Ё.Раҳимов қорадорини икки қисмга бўлади ҳамда танишига етказиш учун Дўмбирободга боради. Бу ерда Ёрқинбекнинг ўзини тутиши, безовталаниши ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларида шубҳа уйғотди.

Ё.Раҳимовнинг ҳужжатлари текширувдан ўтказилганда унинг ёнидан 12 грамм опий чиқади. “Харидор” Олим исмли шахс эса жиноят жойидан қочиб кетади. Оғунинг қолган қисми Раҳимовнинг уйидан топилди. Текширувлар жараёнида оғу ҳақиқатда Нозимжон Дадамуҳаммедов томонидан тайёрланганлиги ҳамда О.Эргашевга сотилиши режалаштирилганлиги маълум бўлди.

Бу вақтда Н.Дадамуҳаммедов тоғда дам олаётган эди. Шеригининг қамалганлигини эшитгач, “вақтинча яшириниб турган маъқул”, деган фикрга келди. Бироқ бузоқнинг югургани сомонхонагача деганларидек, у ҳам ҳуқуқ тартибот идоралари ходимлари томонидан қўлга олинди.

Суд жараёнида жиноятчи шериклар ўз қилмишларини тўлиқ тан олиб, пушаймон эканликларини билдиришди. Ёрқин Раҳимовга 10 йил, Нозимжон Дадамуҳаммедовга эса 12 йил қамоқ жазоси тайинланди. Қинғир йўл билан топилган бойлик уларни тубанлик сари етаклади. Бир оиланинг дарз кетишига, норасида фарзандлар зор қақшаб қолишига сабаб бўлди. Хулоса чиқариш эса ҳар кимнинг ўзига ҳавола.

**Азамат НОСИРОВ**

---

[✓ Жараён]

# Нодавлат таълим муассасалари

## аҳамияти ортиб бормоқда

**МАМЛАКАТИМИЗДА мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб таълим тизимини ислоҳ қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратила бошланди.**



Бундан кўзланган асосий мақсад интеллектуал ва илмий салоҳиятли, ҳар томонлама етук ва мустақил, жамият, оила ҳамда давлат олдидаги масъулиятни ҳис этувчи шахсларни тарбиялашдир.

Шу нуқтаи назардан бугун ёшларимизнинг ўз иқтидори, лаёқати ва қизиқишига мос ва хос ҳунар илмини эгаллаши келгусида уларнинг фаровон турмушини таъминлаш демакдир. Миллий қадриятларимизнинг барча тамойиллари каби ушбу мезон ҳам мустақиллик йилларида янада сайқал топди, ҳуқуқий ҳужжатлар билан мустаҳкамланди. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, **“Таълим тўғрисида”**ги Қонун моҳиятида ҳам ёш авлодни меҳнатсевар, бир қанча касб-ҳунар сирларини эгаллаган, маънавий ва жисмоний баркамол кишилар этиб тарбиялашдек улуғ мақсад мужассам.

Бу борада мамлакатимизда кадрлар тайёрлашнинг ноёб тизими амалга оширилаётгани, 12 йиллик таълимнинг афзалликлари, мактаб таълими етти тилда олиб борилиши, уч босқичли узлуксиз спорт тизимига бўлган эътиборни бугун бутун дунё эътироф этмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида таълим хизмати кўрсатиш соҳасида рақобатга асосланган муҳитни шакллантириш мақсадида, давлат таълим муассасалари билан бир қаторда нодавлат таълим муассасаларини ҳам ривожлантириш назарда тутилган. Шу боис нодавлат таълим муассасалари давлат таълим тизимининг ажралмас таркибий қисми сифатида аҳамияти йилдан-йилга ортиб бормоқда ва жамиятда фуқароларнинг билим олишга бўлган конституциявий ҳуқуқини амалга оширишда муҳим ўрин тутмоқда. Боз устига нодавлат таълим муассасалари таълим тизимининг турли бўғинларида фаол иштирок этиб келмоқда.

Қолаверса, бундай таълим муассасаларини ривожлантиришнинг ўзига хос афзалликлари мавжуд.

Биринчидан, таълим муассасалари ўртасидаги рақобатни кучайтириб, бунинг натижасида таълимнинг турли босқичларидаги ўқитиш сифатини оширишга эришилади. Иккинчидан, ҳозирда таълим муассасалари, айниқса, нодавлат мактабгача таълим муассасалари томонидан аҳолини қамраб олинганлик даражаси етарлича эмаслиги (26,5 фоиз) инобатга олинса, бундай муассасаларни ривожлантириш, таълим муассасаларидаги навбатларнинг қисқаришига ва аҳолининг катта қисмини таълим муассасаларига жалб қилинишига олиб келади. Учинчидан, нодавлат таълим билан асосан тадбиркорлик субъектлари шуғулланаётганлигига эътибор қаратилса, бунинг натижасида таълим соҳасида янги иш ўринларининг яратилишига, давлат бюджетига тушаётган солиқ тушумларининг кўпайишига замин яратилади.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда нодавлат таълим муассасалари фаолиятини ривожлантириш таълим тизимида мавжуд бўлган муаммоларнинг олдини олишга хизмат қилади.

**Абдуманноп БЎРИЕВ,**
**Тошкент шаҳар адлия бошқармаси масъул ходими**

---

[✓ Матбуот анжумани]

# Юристлар малакасини ошириш

## истиқбол ва имкониятлар

**МАМЛАКАТИМИЗДА суд-ҳуқуқ тизимини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш, ҳуқуқшуносларнинг касбий тайёргарлигини замонавий билимлар асосида юксалтириш ҳамда уларни қайта тайёрлашни тубдан яхшилаш, шунингдек, мазкур соҳадаги илмий тадқиқотларнинг самарадорлигини ошириш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда. Адлия вазирлиги томонидан Юристлар малакасини ошириш марказида ташкил этилган навбатдаги матбуот анжуманида иштирокчиларга бу ҳақда атрофлича маълумот тақдим этилди.**

Таъкидланганидек, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази Президентимизнинг 1997 йил 25 июндаги **“Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида”**ги Фармони асосида Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 21 июлдаги қарори билан ташкил этилган.

Марказнинг асосий вазифаси — суд, адлия, адвокатура идораларининг вакиллари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар юридик хизматлари ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашдан иборатдир. Бир сўз билан айтганда, Марказда деярли барча юридик касб эгалари малака оширадилар. Илгари бу ерда йилига ўртача 800 нафарга яқин юрист кадрлар ўз малакаларини оширган бўлса, ҳозирда бу кўрсаткич қарийб 3000 нафарни ташкил этмоқда.

Тингловчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда ўқув жараёнларига 200 дан ортиқ тажрибали амалиётчилар жалб этилган. Бу эса назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш, илғор ўқув услубларини юридик таълимга изчил қўллаш имконини бермоқда. Айни вақтда ўқитиш жараёни "Юрист кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган давлат талаблари" асосида олиб борилмоқда.

Матбуот анжуманида журналистларга малака ошириш муассасасининг халқаро алоқалари хусусида ҳам атрофлича маълумот берилди. Хусусан, БМТнинг Тараққиёт дастури, ЕХҲТ, ЮНИСЕФ ва бошқа халқаро ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик алоқалари кенгайиб бормоқда. Шунингдек, Германия, Венгрия, Словакия каби таълим даргоҳлари билан икки томонлама ҳамкорлик ўрнатилган. Охирги икки йил давомида АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Венгрия, Польшанинг амалиётчи судьялари ва экспертлари иштирокида 10 дан ортиқ халқаро учрашув ва анжуманлар ташкил этилди. 2014 йилда эса Юристлар малакасини ошириш маркази Судьяларни тайёрлаш халқаро ташкилотига аъзо бўлди.

Учрашувда Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг натижалари бугун халқаро ҳамжамият эътирофига сазовор бўлаётгани аниқ мисолларда тилга олинди. Ушбу соҳадаги ишларнинг кўлами, қўлга киритилган ютуқлар ва мазкур йўналишларда келгусида амалга ошириладиган вазифаларнинг ечимлари ҳақида ҳам ахборот берилди.

**Ўткир ЖАЛОЛОВ,**
**Юристлар малакасини ошириш маркази бўлим бошлиғи**

---

[✓ Талқин]

# Жиноятчиликнинг олдини олишда

## юксак ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг ўрни

МАМЛАКАТИМИЗ мустақилликка эришгач, ёшлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, уларнинг муҳофазасини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш ишларига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Ҳуқуқбузарликка мойил вояга етмаганлар билан ишлашда ҳуқуқ-тартибот идоралари, маҳалла фаоллари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, таълим-тарбия ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг ҳамкорлиги ижобий самара беради. Ёшларга эътибор берилишини янада кучайтириш мақсадида Президентимиз томонидан 2008 йилнинг “Ёшлар йили”, деб эълон қилиниши ёшларни ижтимоий-сиёсий, иқтисодий соҳалардаги фаоллигини ошириш, уларни давлат ва жамият ишларига кенг жалб этиш учун мустаҳкам замин яратди.

Ўзбекистон жаҳоннинг ривожланган давлатлари қаторидан жой олиши учун фуқароларнинг, шу жумладан, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва улар орасида қонунлар тарғиботини кучайтириш лозим. Давлатимиз раҳбари **“Ҳар бир фуқаро, ҳар бир инсон ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билиши ва уни ҳимоя қила олиши зарур. Одамларни ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий билимлар билан қуроллантириш асосий вазифалардан бири бўлиши шарт. Токи жамиятнинг ҳар қайси аъзоси ўз ҳуқуқи, ўз бурчи ва масъулиятини пухта билмас экан, уни ҳаётий эҳтиёж сифатида англамас экан, бизнинг ислоҳот, янгиланиш ҳақидаги барча сўзларимиз, саъй-ҳаракатларимиз бесамар кетаверади”**, деб айтиб ўтган эди. Демак, ҳар бир кишининг ҳуқуқий жиҳатдан маданиятли бўлмоғи жамият ва фаровон ҳаётимизнинг тақдири билан боғлиқ масаладир. Бу эса жойларда ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ва такомиллаштиришни тақозо этади.

Жиноятчиликнинг олдини олиш учун аҳолининг ижтимоий тафаккури ва ҳуқуқий савияси юқори бўлиши муҳим ўрин тутади. Бунинг учун жойларда жамоатчилик фаоллигини ошириш, тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш муҳим ўрин тутади. Ҳар бир онгли киши бу ишга ўз ҳиссасини қўшмас экан, олиб борилаётган ҳаракатлар ўз натижасини бермайди.

Ўзбекистонда болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш, уларнинг таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминотига оид ҳуқуқларини рўёбга чиқариш ҳуқуқий дастакларнинг самарадорлигини ошириш, бу муҳитда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида эътиборга лойиқ ишлар амалга оширилаётгани халқаро ташкилотлар томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Жумладан, ЮНИСЕФ томонидан 410 миллион нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган Марказий ва Ғарбий Европа, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Болтиқбўйининг жами 27 та мамлакатининг ривожланишини ўз қамровига олган ҳуқуқий мониторинг ҳужжатларида инсон тараққиётининг танлаб олинган 20 та кўрсаткичидан 9 тасида Ўзбекистонда юқори кўрсаткичга эришилаётгани қайд этилган. Мазкур ҳужжатда мамлакатимизнинг барқарор ривожланиши болалар ва оналар ўлими, ўсмирлар орасида туғиш ҳолатлари, оналар ҳаётининг узайиши, никоҳнинг бекор бўлиши, ўсмирлар орасида жиноятчилик, ижтимоий муҳофаза ва бандлик масалаларида ижобий силжишлар яққол намоён бўлаётганлиги баён қилинган.

Президентимиз таъкидлаганидек, биз янги ҳаёт, янги жамият барпо этиш йўлидаги ислоҳотларимизни, ўзгаришларни кимларгадир яхши кўриниш учун эмас, балки бу ишларни аввало халқимиз манфаатларига тўла жавоб бергани учун амалга оширмоқдамиз. Шундай экан, вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, бу муҳитда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш билан шуғулланувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, мазкур йўналишда хорижий давлатлар тажрибасидан унумли фойдаланиш бу борада илмий-тадқиқотлар ўтказишни давом эттириш талаб этилади.

**Улуғбек АШУРОВ,**
**мустақил тадқиқотчи**

---

## Эълонлар


**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига**
**ТАНЛОВ ЎТКАЗИШНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**Қашқадарё вилояти**
Миришкор туман давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига**
**ТАНЛОВ ЎТКАЗИШНИ ҚАЙТА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**Қорақалпоғистон Республикаси**
Тахтакўпир туман давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Тошкент шаҳар**
Олмазор туман 4-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Чилонзор туман 6-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Юнусобод туман 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Сирғали туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Юнусобод туман 8-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**
*1. Комиссия номига ариза;*
*2. Паспорт нусхаси;*
*3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;*
*4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;*
*5. Олий юридик маълумот тўғрисидаги дипломнинг нотариал тасдиқланган нусхаси;*
*6. Талабгорнинг малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимида уч йил мобайнида ишламаган талабгорлар эса малака имтиҳонини қайта топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма);*
*7. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.*

Танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

**(Ҳужжатларни тақдим этишнинг охирги санаси 2016 йил 15 март) Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Сайилгоҳ кўчаси, 5. Телефонлар: (0-371) 233-44-48, 236-78-52, (ички) 183, 184, 185.**

Тошкент вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 3 февралдаги 16-А-ум-сонли буйруғига асосан Паркент туманида жойлашган "QALQON PLYUS XUMOYUN" адвокатлик фирмасининг адвокати Пайзиева Ўғулби Нишоновнага Тошкент вилоят адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 15 июнда берилган адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи TS №000247 рақамли лицензиянинг амал қилиши у айбланувчи тариқасида жалб этилган пайтдан бошлаб ва суд ҳукми қонуний кучга киргунига қадар ёхуд реабилитация қилувчи асосларга биноан уни жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилингунига қадар тўхтатилди.

Сирдарё вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 28 январдаги 16-ум-сонли буйруғига асосан 2016 йилнинг 27 январидан бошлаб Худайбердиев Жахонгир Позиловичга 2009 йил 25 майда берилган SI 000058 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши 1 ой муддатга тўхтатилди ҳамда Хусанов Султон Абдуқаюмовичга 2011 йил 14 июнда берилган SI 000112 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тугатилди.

Самарқанд вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 3 февралдаги 31-ум-сонли буйруғига асосан Самарқанд шаҳридаги "SIYOB" адвокатлар ҳайъати ва адвокат Кадиров Равшан Худойбердиевич ўртасида тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги сабабли Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуни 13[1]-моддасига асосан (адвокат томонидан уч ойдан ошмайдиган муддатда амалга ошириладиган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этилгунига қадар ёхуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунга қадар бўлган давргача) унинг адвокатлик мақоми тўхтатилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуни 13[1]-моддасига мувофиқ "NIZAM USTINLIGI" адвокатлар ҳайъати адвокати Есенбаев Эльберт Жалгасбаевичга вазирлик томонидан 2015 йил 20 январда берилган QR №000179-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси ва адвокатлик мақомининг амал қилиши Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирининг 2016 йил 29 январдаги 21-ум-сонли буйруғига асосан уч ойдан ошмайдиган муддатда бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этилгунига қадар ёхуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунга қадар бўлган давргача тўхтатилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 мартдаги 60-сонли қарори билан тасдиқланган "Адвокатлик тузилмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида"ги Низомнинг 28-банди ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судининг 2015 йил 25 декабрдаги 23-1504/18682-сонли ҳал қилув қарори ижросини таъминлаш мақсадида вазирликнинг 2016 йил 11 январдаги 5-ум-сонли буйруғига асосан Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигида 2011 йил 30 майда 58-сон билан давлат рўйхатига олинган Тўрткўл тумани, 8-март кўчаси, 1-уйда жойлашган "ADVOKAT ATADJANOV REYIMBAY ROZUMOVICH" адвокатлик бюроси (STIR:207121020) давлат рўйхатидан чиқарилди.


Навоий вилоят адлия бошқармаси жамоаси бошқарманинг бўлим бошлиғи Баҳодир Тошевга отаси
**Халил ТОШЕВ**нинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# Пенсия таъминоти

## ва демография номутаносиблиги

Китоб жавонингизга

**ҲАР қайси давлат ва жамиятда ёши улуғ одамларга кўрсатиладиган эътибор ва ғамхўрлик унинг маданий даражасини белгилайди.**

**Журналист Лазиз РАҲМАТОВнинг "Дунё кексалари: кексалар дунёси" номли рисоласи "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти томонидан чоп этилди. Мазкур таҳлилий рисолада жаҳоннинг кўплаб давлатларида мўътабар ота-оналарга муносабат, оила қадриятларида уларнинг ўрни ва аҳамияти, халқаро пенсия таъминоти тизими ва қарияларни ижтимоий ҳимоялашнинг халқаро тажрибаси, амалдаги қонунчилик, фахрийлар билан ишлаш муаммолари ва бошқа ўзига хос жиҳатлар қисқа ва лўнда ёритиб берилган.**

**Азиз газетхон! Эътиборингизга рисоладан парчани ҳавола этмоқдамиз. Қизиқарли мавзуда ёзилган рисола сизни бефарқ қолдирмайди, деб ўйлаймиз.**

Сўнгги йилларда дунёнинг ривожланган давлатларида аҳоли сони камайиши, ривожланаётган ва қолоқ мамлакатларда эса кескин ошаётгани кузатилмоқда. Бир миллион йил муқаддам Ер юзида аҳоли тахминан 125 минг киши бўлган бўлса, 300 минг йил аввал 1 миллион кишига етган. Эрамизнинг биринчи йилида улар сони 300 миллионни, 1800 йилда 1 миллиардни, 1960 йилда 3 миллиардни, 2014 йилда 7,2 миллиардни ташкил қилди. Минтақаларда туғилиш ва ўлиш ўртасидаги фарқнинг катталиги натижасида Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларидан Европа, Шимолий Америка ва Россияга миграция тобора кучаймоқда.

Кўплаб давлатларда пенсияга чиқиш ёши 65 ва ундан катта қилиб белгиланганига қарамай, БМТ ва Халқаро меҳнат ташкилоти ҳужжатларида 60 ёш ва ундан катталар кекса кишилар, деб ҳисобланади.

Илк пенсия таъминоти Франция ҳарбий денгиз флоти офицерлари учун 1673 йилда жорий этилган. 1790 йилдаги "Буюк француз инқилоби" даврида Давлат хизматчилари учун фуқаролик пенсияси ҳақидаги қонун қабул қилинди. У 30 йил меҳнат қилган ва 50 ёшга тўлганлар учун мўлжалланган эди. Оммавий ва умумий пенсия таъминоти 1889 йилда Германияда, 1908 йилда Буюк Британияда ва 1910 йилда Францияда жорий қилинди.

Ҳозирда кўплаб мамлакатларда пенсияга 65 ёшдан чиқилади. Европа ва АҚШда яқин йиллар ичида бу чегарани 70 ёш қилиб белгилаш назарда тутилмоқда. 2005 йилдаёқ Еврокомиссия Европа Иттифоқи мамлакатлари пенсия ёшини босқичма-босқич ошириб бориши зарурлиги бўйича тегишли тавсия берган. 2060 йилга бориб иқтисодий нуқтаи назардан энг мақбул ёш 70 ёш атрофида бўлади.

Иқтисодий инқироз ёқасига келиб қолган Греция бу борада жуда катта муаммоларга дуч келмоқда. Греклар 37 йиллик иш стажига эга бўлса, 58 ёшда пенсияга чиқиши мумкин эди. Шу кунларда ҳукумат энг кам иш стажини 40 йил қилиб белгилади. Боз устига, Греция ҳукумати Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари билан пенсия жамғармаси ҳамкорлигини яхши йўлга қўймагани боис жиддий муаммолар юзага келди. "Греция ижтимоий ҳаётида ғалати ҳолат фош этилган ва расмий чоралар кўрилган эди. Яъни, вафот этган пенсионерларнинг пенсияси уларнинг қариндошларига бериб келинган. Уларнинг ўлгани ҳеч қаерда қайд этилмагани бунга сабаб бўлган. Бундай ҳолат 63,5 мингтани ташкил этгани, айниқса, ажабланарлидир. Кейинги текширувларда яна 50 мингта шундай ҳолат аниқланди"[1].

Францияда бу чегара 60 ёш қилиб белгиланган. Аммо собиқ президент Н.Саркози уни 62 ёшга кўтариш бўйича қарор қабул қилган эди. Янги сайланган президент Ф.Олланд ҳам бу сиёсатни изчил давом эттирмоқда.

"Агар ҳукуматлар 2050 йилга қадар пенсия ёшини кўтара олмаса, Европада пенсия жамғармалари тақчиллиги йилига 100 миллиард евродан кам бўлмайди.

Аммо касаба уюшмалари ва мухолифат вакиллари бундай чоралар билан келиша олмаяпти"[2].

Европа Иттифоқи (ЕИ)нинг 12 мамлакатида 10 миллион қария жиддий ва узоқ давом этадиган жисмоний ёки психологик тусдаги касалликларга чалинган. Бундай ёрдамга муҳтож шахсларга тиббий, санитар, ижтимоий ва ҳуқуқий ёрдам кўламини оширишни тақозо қилмоқда. Шу маънода Буюк Британия тажрибаси эътиборга молик.

Бугун Европадаги ишчи ўринларининг 60 фоизини 30 дан 50 ёшгача бўлганлар, 40 фоизини эса 50 ёшдан ошганлар ташкил қилаётганининг ўзиёқ муаммонинг нечоғлик долзарблигини кўрсатиб турибди. Ҳаёт даражаси яхшиланганлиги боис одамларнинг умри ҳам узайиб бормоқда. Лекин уларга умрининг охирига қадар пенсия тўлаш, муносиб яшаш шароитларини яратиб беришни давом эттириш давлат зиммасида. 2010 йилда пенсия жамғармаларидаги дефицит 300 миллиард еврони ташкил қилди. Голландия банки пенсия миқдорини ўртача 3 фоизга камайтирди. Бошқалар ундан ўрнак олмоқда. Хуллас, қари ҳам, ёш ҳам кўпроқ ишлашига, ўз истиқболи учун кўпроқ сармоя киритишига тўғри келмоқда.

"Moody's" баҳолаш агентлиги ҳисоботида келтирилишича, 2020 йилга бориб дунёда "қариган" мамлакатлар сони 13 тага, 2030 йилда эса 34 тага кўпаяди. Ҳозир аҳолисининг 20 фоизидан кўпи 65 ва ундан юқори ёшдагиларни ташкил қилувчи мамлакатлар сафида фақат 3 та давлат — Германия, Италия ва Япония бор. Агентликнинг огоҳлантиришича, аҳолининг бекиёс суръатда қариб бориши жаҳоннинг аксарият мамлакатларида жиддий иқтисодий муаммоларни келтириб чиқаради. Аҳоли қариётган ва иш ҳақлари ошаётган ҳозирги шароитда ақлли, тезкор ва одамлар билан яхшироқ муносабатга кириша оладиган роботларни меҳнатга жалб қилишга катта эътибор қаратиляпти.



Ҳозир Хитойда ҳар 10 минг ишчига 30 та, Жанубий Кореяда 437 та, Японияда 323 та, Германияда 282 та, АҚШда 152 та робот тўғри келмоқда. Халқаро робот техникаси федерацияси маълумотларига қараганда, 2014 йилда Хитойда саноат роботлари сони 55 минг бўлган бўлса, 2019 йилга бориб улар 211 мингдан ошади.

Авваллари иқтисодий ўсишни рағбатлантирган "демографик дивидендлар" эндиликда "демографик солиқлар"га ўзгармоқда. Қариш жараёни фақат ривожланган давлатлар муаммоси эмас. Россия, Таиланд, Чили ва Хитойда ҳам демографик аҳвол тез ёмонлашмоқда. Ҳатто нисбатан ёш ҳисобланган Бразилия ва Туркия ҳам қаримоқда.

Халқаро валюта жамғармаси экспертлари ишончига кўра, инсониятнинг қариши тараққиётга жаҳон иқтисодий инқирозидан ҳам ёмонроқ зарба бўлар экан. Дания, Финляндия, Франция, АҚШ ва бошқа тараққий этган давлатларда пенсия ҳақларининг юқори даражада сақланиб қолаётгани аҳолининг катта қисми (80 фоизи) жамғариб бориладиган тизимларда иштирок этаётгани билан боғлиқ. Осиёда бу кўрсаткич 40 фоизни, Африканинг қолоқ давлатларида эса атиги 5 фоизни ташкил қилади.

"Африканинг кўплаб мамлакатларида, жумладан, Свазиленд, Ангола, Лесото, Ботсвана, Зимбабве, Жанубий Африка Республикаси, Намибия, Замбия, Малави, Марказий Африка Республикаси, Мозамбик ва Гвинея-Бисауда ОИТС туфайли умр кўриш давомийлиги жуда пастлигича қолмоқда. Аҳолининг катта ёшдаги қатлами орасида бу касалликни юқтирганлар улуши 10 фоиздан 26 фоизгача бўлмоқда"[3].

Аниқ ҳисоб-китобларга қараганда, учинчи дунё мамлакатларида ҳозирги вақтда "342 миллион кекса соғлиғининг ёмонлашуви, меҳнатга яроқлилиги ва даромад манбаларини йўқотиши билан боғлиқ қалтисликлардан ҳимоя қилинмаган. 2050 йилга бориб уларнинг сони 1,2 миллиард кишига ортиши мумкин"[4].

Шу маънода БМТ Низомида инсоннинг асосий ҳуқуқлари, шахснинг шаъни ва қадр-қиммати олий қадрият сифатида эътироф этилади. Барча тараққий этган мамлакатларда инсон ҳаёти ва соғлиғига унинг ажралмас ҳуқуқи сифатида қаралади. 1982 йил 26 июль — 6 августда Венада БМТнинг қариш масалаларига бағишлаб ўтказилган биринчи Бутунжаҳон Ассамблеясида аҳолининг қариш жараёни глобал тус олаётгани, бу келажак олдида турган ҳал қилиниши бирламчи вазифалар сирасига кириши қайд этилди. Халқаро ҳаракатлар режаси доирасида 7 та (соғлиқни сақлаш ва овқатланиш, кексаларнинг истеъмолчи сифатидаги муҳофазаси, тураржой ва атроф-муҳит, оила, ижтимоий муҳофаза, даромадлар ва бандликни таъминлаш, таълим) йўналишда тавсиялар ишлаб чиқилди. Қариш муаммолари бўйича Бутунжаҳон Ассамблеяси қабул қилган ва 1982 йил 3 декабрда БМТ Бош Ассамблеясининг 37/51 резолюцияси билан маъқулланган, Халқаро меҳнат ташкилоти, Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти ва БМТнинг бошқа муассасалари тавсияларига асосланган ҳолда ишлаб чиқилган Қариш муаммолари бўйича халқаро ҳаракат дастури бу борада муҳим омил бўлди.

1982 йилда қабул қилинган Қариш муаммолари бўйича Вена халқаро ҳаракат режасида, жумладан, шундай дейилади: "Инсон ҳуқуқлари бўйича Бутунжаҳон декларациясида белгиланган асосий ва бўлинмас ҳуқуқлар тўлиқ ва ҳеч қандай истиснoларсиз қариш жараёнларига ҳам татбиқ қилинади"[5].

БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси (ЮНФПА) ҳукуматларга бу борада ёрдам кўрсатишда, қариялар ҳолати ҳақидаги маълумот ва ахборотлар йиғиш амалиётини такомиллаштиришда, кексалар аҳволига дахлдор масалалар ҳақида маълумотлар олишни кучайтиришда муҳим роль ўйнамоқда. Шунингдек, жамғарма жаҳоннинг барча мамлакатлари ҳукуматлари билан қариялар соҳасида миллий сиёсатни ва ҳуқуқий-меъёрий базани шакллантириш устида ишламоқда.

1991 йил 16 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси Қариялар ҳуқуқлари декларациясини қабул қилди. Айни шу куни БМТ Бош Ассамблеяси кекса ёшдаги шахсларнинг тўлақонли ҳаёт кечиришини таъминлаш мақсадида қарияларга муносабатда БМТ тамойилларини ифода этувчи 46/91-сонли резолюциясини тасдиқлади. Ўз жамиятлари ривожига қариялар муносиб ҳисса қўшгани юксак баҳоланиб, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясидан, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакти, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактдан, аҳолининг аниқ гуруҳларига муносабатда универсал меъёрларни амалга оширишни таъминлашга қаратилган бошқа декларациялардан келиб чиққан. Унда ҳар бир инсоннинг муносиб турмуш кечириш, ҳурмат-иззатда бўлиш ва бахтли кексаликка ҳуқуқи борлиги белгиланади.

"Кексаларга муносабатда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тамойиллари ва 2002 йилдаги Қариш муаммолари бўйича Мадрид халқаро ҳаракат режасида давлатлар қарияларга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлишга, уларга шафқатсизлик ва зўравонлик қилмасликка, ҳуқуқларини камситмасликка содиқликларини билдирди"[6].

Халқаро қариялар куни (International Day of Older Persons) 1991 йил 1 октябрдан буён дунё миқёсида кенг нишонлаб келинмоқда. 1990 йил 14 декабрда БМТ Бош Ассамблеясининг 45-сессиясида №A/RES/45/106-сонли резолюция қабул қилиниб, унга кўра, 1 октябрь — Халқаро қариялар куни сифатида нишонланиши белгиланган. Ҳужжатда БМТ қарилик муаммолари бўйича мақсадли жамғармасига бўнаклар камаяётгани қайд этилиб, жаҳон аҳолиси жадал суръатда қариб бораётгани тан олинди. Шунингдек, қариялар тараққиёт жараёнларига салмоқли ҳисса қўшишга қодир эканлиги эътироф этилди. Бош Ассамблея нодавлат ташкилотлари ва ҳукуматларни мазкур жамғармага маблағлар ажратишга чақирди. Шу тариқа 1991 йилдан бошлаб ҳар йилнинг 1 октябрида дунё миқёсида қариялар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, уларнинг жамиятдаги ўрнини очиб беришга қаратилган турли фестиваль ва анжуманлар ўтказиб келинади, жамоат ташкилотлари ва жамғармалар шу куни хайрия тадбирлари уюштиради.

**Лазиз РАҲМАТОВ**

1. Пенсия муаммоси. "Ўзбекистон овози" газетаси, 2015 йил 24 сентябрь, №113 сон.
2. http://delo.ua/world/v-evrosojuze-povysit-pensionny-140894/ © delo.ua
3. http://www.hrsdc.gc.ca/en/isp/common/hrsdc/ris/rismain.shtml
4. Доклад IV. Занятость и социальная защита в новом демо графическом контексте. Международная конференция труда, 102-я сессия, 2013 г. Международное бюро труда. Женева, 2013.
5. ООН. Венский международный план действий по проблемам старения, 1982. http://www.un.org/es/globalissues/ ageing/docs/vipaa. pdf.
6. Принципы ООН в отношении пожилых людей. 1991. Res.46/91 http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/ oldprinc.shtml.


Реклама ўрнида

ASAKA BANK

# Тадбиркорлик ривожи — бош мезон

**МАМЛАКАТИМИЗДА кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сонининг кўпайиши, уларнинг молиявий-иқтисодий аҳволининг яхшиланиши макроиқтисодий мезонларнинг янада барқарорлашувига хизмат қилмоқда.**

Республикамизда фаолият юритиб келаётган тижорат банклари олдига қўйилган асосий вазифалардан бири — хўжалик юритувчи субъектларни, шу жумладан, кичик бизнес вакилларининг истиқболли лойиҳаларини амалга ошириш учун зарур молиявий маблағларга бўлган талабини қондиришдан иборатдир. Бу борада, "Асака" акциядорлик тижорат банки Шайхонтоҳур филиали ҳам ўзининг муносиб улушини қўшиб келмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилаётган кредитларнинг муддати, ундан фойдаланиш мақсадига мослаштирилган ҳолда белгиланмоқда. Банк филиали томонидан ажратилаётган кредит маблағлари асосан маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хомашёни харид қилишга, уларнинг моддий-техника базасини шакллантириш турли хил мини-технологиялар ва ихчам ускуналарни сотиб олишга, маҳаллий хомашё негизида маҳсулот ишлаб чиқариш ва маиший хизмат турларини ривожлантириш бўйича мавжуд лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилмоқда.

Банк филиали томонидан 2016 йил 1 январь ҳолатига Тошкент шаҳри иқтисодиётини ривожлантиришга йўналтирган кредитлари ҳажми 71,7 миллиард сўмни ташкил қилди. Кредитларнинг асосий қисмини узоқ муддатли кредитлар ташкил этади.

2015 йил мобайнида банк филиали томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга жами 46,6 миллиард сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди. Кредитлар Тошкент шаҳрида ишлаб чиқариш, сервис ва хизмат кўрсатиш кўламларини кенгайтириш, ҳудуд иқтисодиёти ва ижтимоий турмушини юксалтиришга хизмат қилиши ва қолаверса, мамлакат куч-қудратини оширишга муносиб улуш бўлиб қўшилиш баробарида ушбу сармоялар эвазига қўшимча кўплаб янги иш ўринлари яратилиб, ёшлар, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари иш билан таъминландилар.

Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги **"Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Фармони талабларини бажариш ва тадбиркор аёллар томонидан таклиф этилган лойиҳаларни молиялаштириш, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш орқали уларнинг республикамиз иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги ўрнини янада мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг келгусидаги ривожланиш жараёнларига ўз ҳиссасини қўшиш мақсадида имтиёзли шартларда жами 4,7 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Ажратилган кредитларнинг асосий қисми саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш тармоқларини ривожлантиришга йўналтирилди. Бу орқали янги иш ўринлари ташкил этилиб, хотин-қизларни, айниқса, ёшларни, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш масалалари ҳал этилганлиги, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитларининг яхшиланганлиги алоҳида таҳсинга сазовор.

Банк филиали томонидан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 9,8 миллиард сўм, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва ички бозорни тўлдириш мақсадида 6,7 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

— "Асака" банк республикамиздаги етакчи ва энг илғор банклардан бири саналади, — дейди **"SIFCO INTERNATIONAL" МЧЖ раҳбари Баҳром Юсупов.** — Бизнинг корхона бир неча маротаба "Асака" банкнинг узоқ муддатли кредит ва лизинг хизматларидан фойдаланиб, корхонани замонавий ускуналар билан жиҳозлашга, сифатли экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқаришга ҳамда 35 та янги иш ўрни яратишга муяссар бўлди. Келгусидаги режаларимиз бундан-да юксак. Буни амалга оширишимизда "Асака" банк жамоаси бизни қўллаб-қувватлашига ишонамиз.

— "Асака" банк фаолияти доимо барқарор ривожланиб бормоқда. Бу эса мамлакатимиз ва хорижда "Асака" банкига бўлган ишончнинг ошиб бораётганлигидан, "Асака" банк фаолиятининг барқарорлигидан далолат беради. "Асака" банкда мижозларга хизмат кўрсатиш тезкор ва юқори даражада йўлга қўйилган, — дейди **"BUILD TECH LEASING" МЧЖ раҳбари Шавкат Зоитов.** — Биз ўзимизнинг молиявий масалаларимизни банк билан бирга тез муддатда ҳал қилишга ўрганганмиз. Жумладан, "Асака" банк кредитлари ҳисобига 20 дона "ISUZU", "MAN", "HOWO" юк ташувчи ва қурилиш материалларини етказиб берувчи автотранспорт воситаларини сотиб олдик. Ҳозирда ушбу сотиб олинган автотранспорт воситалари Тошкент шаҳрида қурилаётган бино-иншоотларга ва аҳолига қурилиш материалларини етказиб бериш учун тезкор ва сифатли хизматлар кўрсатмоқда. Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида 35 та янги иш ўрни яратилиб, шундан 10 тасига коллеж битирувчилари ишга қабул қилинганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. "Асака" банкнинг молиявий кўмагида янада истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш ниятидамиз.



Бугунги кунда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш, уларни иш билан таъминлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимиз томонидан тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилган имтиёзлардан самарали фойдаланиш учун барча имкониятлар мавжуд. "Асака" банк Шайхонтоҳур филиали мутахассислари, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш мақсадида ташкил этилган турли анжуманлар ва тадбирларда фаол иштирок этмоқдалар, ёш тадбиркорларга имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилмоқда. Жумладан, Тошкент Гидрометеорология касб-ҳунар коллежида ўтказилган анжуманда, "тадбиркор бўламан, юртимизнинг янада ривожланишига, халқимизнинг ҳаёти янада фаровон бўлишига ўз ҳиссамни қўшаман", деган битирувчиларга, уларнинг бизнес ғояларини ҳаётга татбиқ этиш учун молиявий кўмак бериш мақсадида, имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

— Мамлакатимизда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига яратилган имкониятлардан фойдаланиб, тадбиркорликни йўлга қўйиш мақсадида "Асака" банк Шайхонтоҳур филиалига мурожаат этдим. Банк томонидан қисқа муддат ичида менга ўз фаолиятимни йўлга қўйиш учун имтиёзли шартларда кредит ажратилди, — дейди **ёш тадбиркор Улуғбек Азимов.** — Ҳозирги пайтда гофра қувурларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйдим. "Асака" банкнинг ҳар томонлама мадади менинг фаолиятимда муҳим кўмак бўлмоқда. Бундан кейин ҳам "Асака" банк ҳамкорлиги ва кўмагида хайрли ва эзгу ишларга муносиб ҳисса қўшишни ният қилганман. Келажакдаги режаларимизни амалга оширишда "Асака" банк доимо менга ўхшаган тадбиркорларни қўллаб-қувватлашига ишонаман.

Мухтасар қилиб айтганда, "Асака" банк Шайхонтоҳур филиали жамоаси жорий йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича олиб бораётган ишларини янада жадаллаштириш, "Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун", деган шиорга қатъий амал қилган ҳолда тадбиркорликни янада ривожлантиришни ният қилган.

**(Ўз мухбиримиз)**

Хизматлар лицензияланган.



ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

www.minjust.uz

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

ISSN 2010-7897

Бош муҳаррир Қўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Усмонов Анвар Акрамович, Мамадалиев Зайниддин Очилович, Очилов Алижон Мухлисович, Эргашева Дилфуза Рустамовна

Навбатчи Ёрбек ИСКАНДАРОВ

Саҳифаловчи-дизайнер Тўлқин РАУПОВ

Нашр индекси: 137

"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 4 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида "Ўзбекистон" нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй.

Ушбу сонда ЎзА суратларидан фойдаланилди.

Тиражи — 22786. Буюртма S-5163.

Топшириш вақти — 19:00 Топширилди — 19:00

МАНЗИЛИМИЗ: 100192, Тошкент ш. Буюк Ипак йўли кўчаси-1. Тел: 268-19-74, Факс: 268-19-31 Обуна бўлими: 268-19-97

Баҳоси келишилган нархда 1 2 3 4 5